

## Бақара сураси, 40-оят

17:53 / 21.08.2017 4904

**Эй Бану Исроил, сизга инъом этган неъматларимни эсланг ва Менинг аҳдимга вафо қилинг, Мен ҳам сизнинг аҳдингизга вафо қилурман. Ва Мендангина қўрқинг. Бақара 40.**

«Бану Исроил» дегани «Исроил фарзандлари» демакдир. Яъқуб алайҳиссаломнинг лақаблари Исроил бўлган. Аллоҳ таолонинг

«...**сизга инъом этган неъматларимни эсланг...**»- дейишидан ҳаммага берган неъматларидан Бану Исроилга ҳам бергани, аммо буларга бошқалардан устун неъматларни ҳам берганини тушуниш керак. Бу неъматлар келажак оятларда зикр қилинади. Бошқалардан ортиқ неъматларга сазовор бўлганлар кўпроқ шукр қилишлари лозим эди.

«...Менинг аҳдимга вафо қилинг...»

Бану Исроилнинг Аллоҳга берган аҳдлари кўп, улар келажак оят ва сураларда зикр қилинади. Ўша аҳдлардан бири – улар Аллоҳ таолодан келадиган ҳидоятга эргашишлари керак эди. Ушбу оятлар нозил бўлаётган пайтдаги Аллоҳ таолодан келган ҳидоят эса Муҳаммад алайҳиссалом ва Қуръони Каримдир. Демак, Бану Исроил аҳдига вафо қилганида, уларга эргашмоғи лозим эди.

«...Мен ҳам сизнинг аҳдингизга вафо қилурман», дегани – «Гуноҳларингизни мағфират қилиб, жаннатга киритаман», деганидир.

«Ва Мендангина қўрқинг».

«Мендан бошқадан қўрқманг».